

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВОСИТАСИДА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Доц.Х.Бобомирзаев НавДПИ.

Ўзликни англаш инсоннинг камол топишдаги муҳим жараён бўлиб, маънавий-ахлоқий тарбиянинг бош вазифларидан бири ҳисобланади. Чунки маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук кишигина ўзлигини англаб етади. Шунингдек, жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий юксалиш даражаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ўзлигини англаган инсон ҳар томонлама ривожланган, онги юксалган, инсоний бурчини теран англаб етган бўлади. Унинг бундай юксакликка кўтарилишида турли омиллар иштирок этади ва у ёки бу даражада ўз таъсирини қолдиради. Ана шундай омиллардан бири миллий қадриятлардир. Миллий қадриятлар, айтиш мумкинки, улар орасида энг муҳим, ҳал қилувчи аҳамиятга эга восита ҳисобланади.

Қадрият нима? Бунга бирданига бир сўз билан жавоб бериб бўлмайди. Зеро, у муайян бир халқ турмуш турзи, ижтимоий тараққиётида асрлар давомида шаклланади ва сайқал топади. Мана шундай такомил топган олий қадриятлар миллатнинг ўзига хослигини, менталитетини намоён этади. Кўп асрлик тарихга эга ўзбек халқининг шундай қадриятлари борки, у бошқа бирор халқникига ўхшамайди. Мана шу қадриятлар "... неча асрларки бизни не-не бало-казолардан, тўфон ва бўронлардан соғ-омон асраб келмоқда. Ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун барчамизга ибрат бўлиб, куч-қувват бағишлаб келмоқда".¹

Урф-одат, расм-русум, маросимлар, байрамлар халқимиз ҳаётида ниҳоятда кўп ва хилма-хилдир. Уларнинг шаклланиши, тараққиёт даражаси ҳам ўзига хос тарихий йўлни босиб ўтган. Бу урф-одат ва расм-русумларнинг

¹ И.А.Каримов, Юксак маънавият- енгилмас куч, Тошкент, "Маънавият", 2008 йил, 7-бет

бошқа халқлардаги худди шундай урф-одат ҳамда расм-русумлар билан муштарак томонлари ҳам, кескин фарқ қилиб турадиган томонлари ҳам бор. Ҳар қандай урф-одат, расм-русум, анъана, маросим ва байрамларни қадрият деб қабул қилиб бўлмайди. Қадрият муайян халқ ва миллатга хос хусусиятларни ўзида тўла намоён этадиган, кўп асрлик тарихий тараққиёт натижасида миллий ўзига хосликни мужассам этган, миллатнинг менталитетини белгилаб берадиган муҳим омил бўлган маънавий тушунчадир. Маънавият тушунчаси сингари қадрият тушунчаси ҳам кенг бўлиб, уни ҳар ким ўз нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда турлича изоҳлаши, таъриф бериши мумкин. Лекин барча ҳолатларда қадрият ўзида эзгу ниятлар, мақсадлар ва интилишларни намоён этадиган, миллатнинг маънавий етуқлигини кўрсатиб турадиган мезонлардан саналади. Инсоният тамаддуни тараққиёт босқичлари тажрибаларини ўзида мужассам этган, энг эзгу туйғуларга йўғрилган ва комиллик сари даъват этувчи маънавий-руҳий тушунчалар умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилади. “Мана шу ҳаётда яшашимиз, тинч ва осуда ҳаётимиз, байрамларимиз, удумларимиз, меҳрлилигимиз, фольклоримиз, ўйинларимизнинг барчаси эзгу ва азалий қадриятлардир”, дейилади.² Дарҳақиқат, шундай. Уларда бизнинг ўзлигимиз, халқимизга хос энг муҳим хусусиятлар бўртиб туради. Бу қадриятларни асраб-авайлашимиз, ривожлантиришимиз, янги ижтимоий мазмун билан бойитиб боришимиз, келажак авлодларга етказишимиз зарур. Президентимиз ана шундай қадриятларимиз ҳақида фикр юритир эканлар, умумхалқ миллий байрамимиз Наврўзга алоҳида тўхталиб ўтади. “... янгилашиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аجدодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан

²НДУ: Д.Абдукодирова ва Г.Одилова “Қадриятларга содиқлик-маънавий-ахлоқий тарбия мезони” мақоласида.

²Олий ўқув юрти талабалар гуруҳларида маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил қилиш муаммолари, республика илмий-назарий ва амалий конференцияси материаллари, Бухоро, 2008 йил, 228-бет

бахраманд бўлиб, маънавий камол топганинг яна бир тасдиғидир...”³

Ўз миллий қадриятларининг мазмун-моҳиятини теран англаган, уни эъзозлаган, асраб-авайлаган, ундан фахрлана оладиган киши чиникам халқпарвар, миллатпарвар саналади. Ана шундай кишиларни тарбиялаб вояга етказиш таълим-тарбия тизимининг, барча зиёлиларнинг муқаддас бурчидир. Бу борада мамлакатимизда кенг қамровли фаолият олиб борилмоқда ва ўтган йиллар ичида маънавий-маърифий ишларнинг самаралари яққол кўзга ташланмоқда. Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимиз тиклангани, улуғ аجدодларимизнинг бой маънавий мероси халқимизга қайтарилгани миллатимиз маънавий-руҳий олами беҳад юксалишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айниқса, мустабид тузум даврида топталган диний қадриятларимиз тақиб ва тазйиқлардан халос этилди. Диний расм-русумлар, байрам ва маросимлар деярли унутилаётган эди. Масжидлар омборхоналарга айлантирилганди, мадрасалар қаровсиз қолганди. Диний маросимлар ва байрамлар тор доирада яширин равишда ўтказиларди. Ҳолбуки, муқаддас динимиз асрлар давомида ватандошларимизни меҳр-оқибатли бўлиш, инсоф ва адолат, яхшилик, эзгулик туйғуларини қадрлаш руҳида тарбиялаб келди. Бу юксак инсоний фазилатлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетганки, булар миллий менталитетимизнинг асосини ташкил этади. Бугунги кунда Рамазон ва Қурбон ҳайити умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келинмоқда. Бу кунлар мамлакатимизда дам олиш куни деб белгилаб қўйилган. Диний расм-русумлар, маросимлар мунтазам ўтказилиб, улар орқали юксак ахлоқий фазилатлар тарғиб этилмоқда. Мана шу орқали миллий ўзликни англаш мумкин.

Ўзликни англаш нима эканлигини тушуниб етиш муҳим. Чунки ватанпарварлик, миллатпарвалик, Ватанга, юртга фидойилик туйғулари

³И.А.Каримов, Юксак маънавият-енгилмас куч, Тошкент, “Маънавият, 2008 йил, 7-бет

Ўзликни англаб етган тақдирдагина намоён бўлади. фалсафий йўсинда бу тушунчага ҳам ҳар хил таъриф берилади, турли аспектларда текширилади. Умуман олганда, халқимизнинг узоқ асрлик тарихи давомида тўпланган маънавий бойликлари, шаклланган урф-одатлари, расм-русумлари, маросимлари, барча қадриятлари моҳиятини теран тушуниш, англаб етиш, уларни ривожлантиришга интилиш ўзликни англашга олиб келади. Аслида ўзликни англаш инсоннинг инсон бўлиши, комилликка интилиш жараёнида инсон сифатида оллоҳ олдида бурчи нималардан иборат эканлигини ҳис этиш ва ана шу масъулиятни ўз ҳаётий ва фаолияти давомида тўла-тўқис намоён эта олишдир. Инсон нима учун дунёга келди, унинг мақсади ва вазифаси нимадан иборат, оллоҳ уни барча мавжудодлардан айрича яратиб, унга беқиёс куч-қудратга эга бўлган тафаккур ато этган экан, ундан қандай фойдаланиши ва бу дунё синовларидан муваффақиятли ўтиб, нариги дунё роҳат-фароғатига эришишга интилиши ҳаётининг мазмунига айланар экан, у ўзлигини топган, англаган ҳисобланади. Шунинг учун ўзликни англашда диннинг аҳамияти катта. Ислом дини шу жиҳатдан жуда зўр тарбиявий-маърифий аҳамиятга эга бўлган инсонпарвар динлардан. Бизнинг миллий қадриятларимиз ана шу диний ақидалар, талаб ва қоидалар асосида шаклланган, ривожланган. Қадриятлар даражасига кўтарилган миллий анъаналаримиз бугунги кунда ёшларимизни миллий ўзликни англаш руҳида тарбиялашда чексиз имкониятларга, беқиёс тарбиявий таъсир кучига эга. Президентимиз буни ўз асарида алоҳида таъкидлаб ўтганлар: “...халқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўлмайди”.⁴

Диний қадриятларни ёшлар онгига сингдиришда оила ва мактабда ташқари маҳаллаларнинг ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки маҳалла

⁴И.А.Каримов, Юсак маънавият-енгилмас куч, Тошкент, “Маънавият”, 2008 йил, 36-37 бетлар.

халқимиз турмуш тарзидан чуқур ўрин олган. Қадим-қадимлардан буён одамларимиз бир-бирларига суяниб, бир-биридан мадад олиб, бир тан, бир жон бўлиб яшаб келишади. Маҳаллада ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, бир-бирининг қадрига етиш, ўзаро ёрдам туйғулари таркиб топади ва одамларни жипслаштиради. Диний маросимлар, байрамлар, табиат ҳодисалари билан боғлиқ анимик тадбирлар маҳалларда гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўтказилган, халқ ўз шоддигини ҳамиша кўни-кўшниси, маҳалладоши билан биргаликда баҳам кўрган. Айни пайтда турмуш қийинчиликларини ҳам биргаликда енгиб ўтишган. Бу одат халқимизнинг қонига шу қадар сингиб кетганки, яқин ўтмишда, мустабид тузим даврида бу анъаналарга қанчалик хуруж қилинмасин, уларни халқимиз турмуш тарзидан сиқиб чиқара олмадилар, тақик ва тазйқларга қарамай бу одатлар ўз моҳияти, мазмуни ва характерини йўқотмади.

Бухоро Давлат университетида бўлиб ўтган “Олий ўқув юрти талабалар гуруҳларида маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш муаммолари” мавзуидаги республика илмий-назарий ҳамда амалий конференциясида миллий ўзликни англаш, бунда миллий қадриятларнинг аҳамияти хусусида кенг ва атрофлича фикр юритилган. Жумладан, Л.Олимов, Д.Собирова ва Д.Баротоваларнинг “Шахс ва миллий ўз-ўзини англашнинг ижтимоий психологик хусусиятлари” мақоласида эътиборли фикрлар баён этилган. Муаллифлар этник онг ва унинг миллий ўзликни англашдаги аҳамияти ҳақида фикр юритишиб, миллий қадриятларнинг авлоддан авлодга ўтиб, ривожланиб, такомиллашиб боришидаги ролини тўғри кўрсатиб беришган. “Миллий ўзини ўзи англаш миллатнинг бирлиги ва жипслигини таъминловчи, миллат мавжудлигининг асосий омилларидандир. Миллий ўзини ўзи англашнинг тараққиёт даражаси тарихий, ижтимоий, иқтисодий шарт-шароитлар билан белгиланади. Бу маълум тарихий даврларда миллатнинг ички муаммоларига эътиборнинг кучайиши, ўтмишга қизиқишнинг ортиши, ўзининг оғир иқтисодий аҳволи сабабларини англаб етишга интилиши каби кўринишларда намоён бўлади”, дейилади мақолада.⁵

⁵Конференция материаллари, Бухоро, 2008 йил, 254-бет

Шундай экан, ёшларимизни ўзликни англаш руҳида тарбиялаш муҳим ва долзарб тарбиявий вазифаларимиздан биридир. Вилоятимиз мисолида оладиган бўлсак, бу вазифа янада чуқур аҳамият касб этишини кўрамыз. Вилоятимиз кўп миллатли минтақа. Турли миллат вакилларининг бир худудида яшашлари миллий анъана ва одатларнинг бир-бирларига таъсирини кучайтиради, бир-бирларини бойитади. Бу –табiiй жараён. Аммо бошқа миллатларнинг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилган ҳолда уларга кўр-кўрона эргашишдан сақланиш лозим. Чунки халқимиз табиатиға, миллий ўзлигимизға мос келмайдиган одатлар, анъаналар ҳеч қачон бизнинг турмуш тарзимизға сингиб кета олмайди. Уларни зўрлаб тикиштириш эса салбий ҳолатларнинг келиб чиқишиға, миллий ўзлигимизға путур етишиға олиб келади, холос. Яқин ўтмишда бунинг гувоҳи бўлдик. Муқаддас динимизға таҳдид ва тазйқлар ана шундай ўзға миллат хусусиятлари, одат ва анъаналарини зўрлаб тикиштириш оқибатида юз берди. Асрлар бўйи шаклланган, халқнинг турмуш тарзида мустаҳкам ўрин олган анъаналар, урф-одат ва расм-русумларни эскилик сарқити дея рад этишға, улуғ инсоний фазилатларни тарбиялайдиган урф-одат ва маросимларимизни дин билан боғлаб, йўқотиб юборишға уринишлар бўлди. Мана шундай таъқиб ва тазйқлар ўзининг ёмон асоратларини қолдирганлигини бугунги кунда ёрқинроқ кўрмоқдамиз. Айрим қизларимизнинг кўчаларда очиқ-сочиқ юришлари, тор ва беўхшов кийимларда юришиб, ўзларини маданиятли қилиб кўрсатишға уринишлари мусулмон хотин-қизлари учун муқаддас ҳисобланган ҳаё, иффат, ор-номус сингари муқаддас тушунчаларға бирмунча соя солмоқда. Бундан ташвишға тушмаслигимиз мутлоқа мумкин эмас.

Оддий саломлашиш, каттанинг кичикка, кичикнинг каттаға муносабатида биз шу қадар ўзига хосмизки, бошқа миллатларникидан бу одатларимиз билан алоҳида ажралиб турамыз ва бундай фахрланишға ҳақлимыз. Бетгачопарлик, иккиюзламачилик, қатъиятсизлик, дўстға хиёнат, субутсизлик ҳамиша қаттиқ қораланган. Халқ оғзаки ижоди, муқаддас ҳадислардан бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Афсуски бундай иллатлар ҳали-ҳануз одамларимиз орасида учраб турибди. Баъзи

ёшларимиз табиатида ҳам мана шундай иллатлар пайдо бўлаётганлигидан, шубҳасиз, қаттиқ ташвишдамиз. Бу иллатлардан халос бўлиш учун барча тарбиявий воситаларни ишга солишимиз, ёшларимизнинг ҳар томонлама етук, ўзлигини, ўз қадр-қимматини чуқур англаган кишилар бўлиб етишишлари ҳақида қайғуришимиз зарур. Бу улкан ва масъулиятли ҳамда шарафли вазифани адо этишимизда миллий қадриятларимизнинг аҳамияти беқиёс эканлигини яна бир марта такрорлаб ўтмоқчимиз.

Президентимиз ўтмишда қадриятларимиз топталгани, уларга беписандлик билан қаралгани ҳақида афсус-надомат билан гапириб, бундай сиёсат ўта ғаразли эканлигини, шу билан халқимизнинг миллий ўзлигини йўқотишга уринганлигини кўрсатиб беради. Соҳибқирон Амир Темурга нисбатан адолатсизлик қилинган ана шу уринишнинг бир кўринишидир. Бунинг оқибати нималарга олиб келгани ва бундан кўзда тутилган асил муддао замирида қандай ғаразли мақсад ётганлиги ҳақида гапирар экан, “...асоссиз равишда бобомиз жаҳолат ва ёвузлик тимсоли сифатида кўрсатиб келингани бугун ҳеч кимга сир эмас. Нега деганда, мустабид тузум тарихий ҳақиқатни намоён этишдан, бизнинг миллий ўзлигимизни англашимиздан мутлақо манфаатдор эмасди”⁶, дейди юртбошимиз куюнчаклик билан.

Тўсиқлар, тажавузкорликлар барҳам топган бугунги кунда миллий қадриятларимизни эъзозлаш, ривожлантириш, бойитиш фурсати келди. Ўзликни англаш ана шу қадриятларнинг моҳиятига етиш, унинг миллий характер, миллий ўзига хосликни намоён этишдаги аҳамиятини ҳис этиш кадрлаш орқали рўёбга чиқади.

⁶И.А.Каримов, Юксак маънавият –енгилмас куч, Тошкент, “Маънавият, 2008 йил, 36-37 бетлар.